

XDP

1918-yil
21-iyundan chiqa
boshlagan

№14, 2022-yil 6-aprel,
chorshanba (32.708)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ КУН ТАРТИБИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрель куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари муқаддас Рамазон ойи бошлангани билан бир-бирларини самимий қутлаб, биродар Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш, маданий-гуманитар дастур доирасида фаол алмашинувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари, шу жумладан, жорий йил сентябрь ойида Ўзбекистонда ШХТ саммитини ўтказиш ва унга тайёрлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.

Президентларнинг мулоқоти ҳар доимгидек ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ҲУКУМАТИ РАҲБАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Имрон Хон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Раҳбарлар муқаддас Рамазон ойи кириб келгани билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг дўст халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва бардавом равнақ тиладилар.

Жорий йил 3-4 март кунлари Покистонга амалга оширилган олий даражадаги давлат ташрифи якунида қабул қилинган қўшма "йўл харитаси" ижросининг бориши кўриб чиқилди. Энг аввало, савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, туризм, маданият ва бошқа устувор йўналишлардаги кўп қиррали ҳамкорлик лойиҳа ва дастурларини ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон етакчиси Покистон Ҳукумати раҳбари ва халқига ушбу мамлакатда бўлажак муҳим сиёсий тadbир – парламент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

**ХАЛҚИМИЗ
БИЗГА ЭНГ КАТТА
БОЙЛИГИНИ –
ЗУРРИЁДИНИ
ИШОНИБ БЕРАЯПТИ**

ҲОКИМЛИКЛАР
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
БИЛАН БИРГА
ҲАР БИР ТУМАН ВА
ШАҲАРДА КАМИДА 20
ФОИЗ МАКТАБДА ЙИЛ
ЯКУНИГА ҚАДАР ИЛҒОР
МЕТОДИКАЛАРНИ ЖОРИЙ
ЭТИШНИ БОШЛАЙДИ.
БУ ЯНГИ ТИЗИМНИ
ЖОРИЙ ҚИЛИШ УЧУН
100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР
ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ
ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.

2



4

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ СОБИҚ ХОДИМНИ ИШГА ТИКЛАДИ

"Ўзбекистон овози" газетасида фуқаро Бомуротов Бобир Бомурот ўғлининг шикоят буйича олиб борилган журналистик суриштирув асосида "Собиқ ички ишлар ходими орадан 9 йил ўтиб айбсиз, деб топилди, лекин ишга қайта тикланмади..." сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди.

Яқинда ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Пўлат Бобоҷонов имзоси билан собиқ ходим ишга тиклангани ҳақида жавоб хатини олди.

5

РАМАЗОН САХОВАТ
ВА МУРУВВАТ
ОЙИДИР. БУ
ОЙДА АМАЛГА
ОШИРИЛГАН ҲАР
БИР ЯХШИЛИКНИНГ
АЖРУ САВОБИ
ОРТТИРИБ
БЕРИЛАДИ. РАМАЗОН
ҲАҚИҚАТАН
ЭЗГУЛИКЛАР,
ЯХШИЛИКЛАР
МАВСУМИДИР.
ИНСОН БУ ОЙ
КИРГАНДА
НАФСИНING ТУБАН
ХУЛҚЛАРИДАН,
БАХИЛЛИКЛАРДАН
ЎЗИНИ ЮҚОРИ
ТУТИБ,
ОЛИЖАНОБЛИК
ЛИБОСИНИ
КИЙИШИ МАҚСАДГА
МУВОФИҚДИР.

9 апрель —
Амир Темур
таваллуд
топган кун



6

Буюк Ипак йўлини ривожлантириш масаласи Амир Темурга осон бўлмаган. Унинг олдида мўғуллар даврида ўлик шаҳарларга айланган, Буюк Ипак йўлига ҳаёт бахшида қилган шаҳарларни батамом қайта тиклаш вазифаси кўндаланг турган ва у бу ишларни бирин-кетин, режа асосида амалга ошира бошлаган.

Ҳар бир вилоят кесимида “тренерлар гуруҳи” шакллантирилиб, улар жойларда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириб боради. Уларнинг ойлик иш ҳақиға 100 фойзгача устамалар тўланади.

6-aprel, chorshanba, 2022-yil.
№14 (32708)

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Инсон капитални ривожлантириш – Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясидаги етти устувор йўналишдан бири. Жорий йил 28 январь куни бўлган йиғилишда шу борадаги масалалар муҳокама қилиниб, кўплаб вазифалар белгиланган эди.

Ўтган икки ойда мутасаддилар ҳамма ҳудудларга чиқиб, жойлардаги муаммоларни ўрганган. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда таълим сифати, муаллимлар салоҳияти ва ўқувчиларнинг олийгоҳларга кириш даражаси анча пастлиги аниқланган.

Президент мактаблари, ихтисослашган ва хусусий мактабларда илғор методикалар йўлга қўйилган. Лекин қолган мактабларнинг энг катта муаммоси бу – ўқитиш методикасининг эскирганлиги. Замонавий таълим услубларини уларда ҳам жорий қилиш бўйича ташаббуслар йўқ.

Мактабларни компьютер билан таъминлаш бўйича маблағлар ажратилган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ишлар суст кетаяпти. Олис ва чека ҳудудлардаги мактабларда таълим сифати қониқарсиз аҳволда.

Маълумки, йил бошида Мактаб таълими ислох қилиш кенгашлари тузилган эди. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари жойлардаги шундай кенгашлар раҳбари ҳисобланади. Шу боис йиғилишда таълим ривожини паст бўлган ҳудудлар ҳокимлари огоҳлантирилди.

– Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини – зурриёдини ишониб бераёпти. Бу жуда катта масъулият. Шунинг учун ҳар бир мактабни ислох қилсак, келажакка замин яратамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мактаб ўқитувчиларини янги методика асосида қайта тайёрлаш бўйича умуммиллий лойиҳа бошланганини эълон қилди.

Ушбу янги тизим доирасида келгуси 3-4 йилда мактаблардаги барча синф ўқитувчилари янги методика асосида ўқитилади. Бунинг учун ҳар бир ҳудуддаги Малака ошириш марказлари негизда педагогларни янги методикаларга ўргатувчи Миллий таълим марказлари ташкил этилади. Уларга аниқ ва табиий фанлар бўйича хориждан энг малакали мутахассислар жалб қилинади.

Ҳар бир вилоят кесимида “тренерлар гуруҳи” шакллантирилиб, улар жойларда мактаб ўқитувчиларининг малакасини ошириб боради. Уларнинг ойлик иш ҳақиға 100 фойзгача устамалар тўланади.

Ҳокимликлар Халқ таълими вазирлиги билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарда камида 20 фойз мактабда йил якунига қадар илғор методикаларни жорий этишни бошлайди. Бу янги тизимни жорий қилиш учун 100 миллион доллар қўшимча маблағ

йўналтирилади.

Шунингдек, Абдулла Авлоний номидаги институт Республика миллий таълим маркази сифатида қайта ташкил этилади ва Тошкент давлат педагогика университети билан ягона тизимга бирлаштирилади.

Умуман, янги методикаларга ўқитиш тизими Миллий таълим маркази ва Тошкент давлат педагогика университетидан бошланади. Университет Халқ таълими вазирлиги таркибига ўтказилади, мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича республикадаги таянч муассасага айлантирилади.

Ҳудудларда фаолият юритаётган педагогика институтлари босқичма-босқич университетлар таркибидан алоҳида ажратилиб, мустақил таълим даргоҳига айлантирилади.

Йиғилишда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Мактабларда маънавий муҳитни тубдан яхшилаш бўйича янги концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Мактаблардаги маънавият тарғиботчиларига талабларни қайта кўриб чиқиб, бу вазифага маҳалла ва жамоада бўлиб яшаш юқори инсонларни тайинлаш, намунали ўқувчи ва ота-оналарни рағбатлантириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Бугунги кунда юртимизда 120 та мактаб 3-4 коэффициентда ишламоқда. Яъни, ўқувчи сони сизимга нисбатан жуда кўп. Президентимиз ушбу мактабларда шароитни яхшилаш бўйича курсатмалар берди.

Келгуси ўқув йили бошлангунча 960 та

мактаб компьютер синфи билан таъминланиши, 740 таси янгидан жиҳозланиши қайд этилди.

Умуман, 5 мингдан ортиқ компьютер синфларини янгилаш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши белгиланди. Бунга республика бюджетидан 200 миллиард сўм, маҳаллий бюджетлардан ҳам 200 миллиард сўм йўналтирилади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигига мактаблар учун алоҳида имтиёзли тарифлар очиш, ўқувчи сонига қараб мактабларда интернет тезлигини секундига 100 Мегабитгача кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Мактабдаги таълим ҳам, муҳит ҳам кўп жиҳатдан директорларга боғлиқ. Шу боис мактаб директорларини сертификатлаш тизимини жорий этиш зарурлиги айтилди. Бундан буён директорликка номзодлар ушбу тизим орқали танланади.

Давлатимиз раҳбари табиий ва аниқ фанларни ўқитишни ривожлантириш кераклигини айтган эди. Шунга мувофиқ, 193 та таълим муассасаси негизда табиий ва аниқ фанларга ихтисослашган мактаблар ташкил этиш режалаштирилган. Ҳокимларга ушбу мактабларни таъмирлаб, барча шароитларни яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда вазирлар ва ҳокимлар, мактаб директорлари сўзга чиқиб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

ЎЗА



ОҲАНГАРОНДА ЎЗГАЧА ТАДБИР

Баҳор – байрамлар фасли. Юртимизда Наврўз шодийоналари тантаналарга уланмоқда. Водийлар, воҳаларда сайиллар, спорт мусобақалари одамларни жипслаштириб, меҳр-оқибат ришталарини, халқимизга хос анъаналарни янада мустаҳкамламоқда.

Оҳангарон шаҳар марказий стадионида “Беш ташаббус ЎзХДП нигоҳида” шиори остида ташкил этилган спорт сайли Мухаммад Юсуфнинг “Улуғимсан, Ватаним” шеъри билан бошланди. Стадионга фахрийлар, ҳокимият вакиллари, спорт усталари, депутатлар, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят, Оҳангарон шаҳар кенгаши фаоллари, ёшлар йиғилишган. Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига асосан соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш мақсадини мужассам этган мазкур тадбирни Оҳангарон шаҳар ҳокими Акрам Эшонқулов кириш сўзи билан очди:

– 10 кундирки, юртимизда байрам шуқуҳи давом этапти. Ҳар кунимизда байрам сабаби бор. Уларда партия ташкилотларининг ҳам фаол иштирок этаётгани қувонарли, албатта. Ўзбекистон ХДП ташаббуси билан ўтказилаётган бугунги спорт сайли ҳам ўқитиш тасдиғидир. Юртимизда томонидан амалга оширилган ислохотлар натижасида шаҳримизда ҳар куни байрам қилишимизга асосимиз бор. Худудимизнинг қай бир гўшасида янги бинолар, боғча-мактаблар қуриляпти, қай бир маҳаллада аҳоли вакиллари кредит олиб ўз ишини бошламоқда, қайсидир талаба-ёш янги гоғлар яратаяпти, яна кимдир спортда ютуқларга эришмоқда... Мана шундай яхши

хабарларнинг ҳар бири байрам қилишимизга, қувонишимизга арзийди. Шаҳримизда ҳам бу каби янгиликлар кунда-кунора кузатиляпти. Маҳалла тизимида ҳоким ёрдამчилари, ёшлар етакчилари фаолияти қисқа муддатда самара бериб, 400 дан зиёд ишсизлар иш билан таъминланди. Яқинда волейбол бўйича ўтказилган вилоят чемпионатида шаҳримиз кизлари биринчи ўринни эгаллади. Буларни кўриб, келажакимиз эгалари авлодларнинг муносиб давомчилари эканидан қувонамиз.

Ҳокимнинг кириш сўзидан кейин **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Акмал УМАРАЛИЕВ** барчани баҳорий айёмлар билан самимий қўтлаб, эзгу тилаклар билдирди:

– Партияимизнинг дастурий мақсадларида биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар, ёшлар учун шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шуларни инобатга олган ҳолда, партия тизимида қатор амалий ишлар олиб борилди. Оҳангарон шаҳар Кенгашида бизнинг партияимиздан сайланган 16 нафар депутат фаолият олиб боради. Бугунги ажойиб тадбир ҳам айнан шулар бош-қош бўляпти. “Беш ташаббус” доирасида ёшларни спорт, мусиқа, санъатга жалб қилиш масалалари ўтган йиллар давомида ўз самарасини берди, дея оламиз. Қолаверса, аёллар бандлигини таъминлаш, ёшларда ахборот технологияларига бўлган қизиқишни кучайтириш бўйича ҳам талай ишлар қилинмоқда. Халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгашидаги 16 нафар депутат республикамиздаги партияимиздан шаҳар, туман Кенгашларига сайланган энг кўп депутатлик гуруҳи ҳисобланади. Бугун уларнинг фаолиятини бутун республикага намуна қила оламиз. Барчангизга яхши кайфият тилаймиш, спорт йўналишини томоша қилиб, маданий дастурдан мириқиб дам олинг, азизлар.

Стадионда отлар паради саф тортиди. Майдон бўйлаб отлар чопиб ўтаркан, ёшларнинг завқу шавқи, шодон қичқирғи уларга ҳамроҳлик қилди. Чим устига ёзилган катта гиламларда спортчиларнинг ажойиб машғулотларини ҳам йиғилганлар мириқиб томоша қилишди.

Дурдона АБДУЖАБОРОВА:

– 10 йилдан бери дзюдо билан шуғул

ланаман. Вилоят, республика, жаҳон чемпионатларида қатнашиб келаман. Халқаро турнирларда иштирок этдим. 2019 йил Қозғистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида кўл жанги, 2021 йил Бирлашган Араб Амирликларидаги халқаро мусобақада “Jin Jitsu” йўналишида қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгалладим. Бу спорт тури қиз бола учун бироз қийинроқ туюлса-да, танани чиниктиради, соғлом бўласиз. Айни пайтда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабасиман. Келажакда ёшларга мураббийлик қилмоқчиман. Спорт келажак, саломатлик дегани. Олдинга қўйилган мақсад одамни ҳаракат қилишга ундайди. Мен ҳам катта мақсадларни кўзлаган ҳолда юртим номини дунёга танитишга ҳисса қўшиш учун интиланман.

– Спортни яхши кўраман, – дейди **кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони 8 ёшли Уктам ТАЛГАТОВ**. – Мураббийимдан кўп нарсалар ўрганаман. Ҳар куни машғулот ўтамиз.

– Мактабда ҳам фанларни яхши ўқийсанми? – Албатта. Инглиз тили, математикани ҳам яхши кўраман. Баҳоларим беш. 2-мактабнинг 2-синф ўқувчисиман. Дадам, ойим ўқишларимни назорат қилиб туришади.

– Энг кўп нимани хоҳлайсан, Уктам? – Жаҳон чемпиони бўлишни. Ота-онамни саёҳатга олиб боришни.

Болажоннинг ниятига етишишига тилакдор бўлиб, депутатлар томон юзландик.

– Депутатлик фаолиятим давомида “Беш ташаббус” бўйича 2-3 та шундай тадбирларда иштирок этдим. Кенг миқёсда ташкил этилган бугунги тадбир ҳақиқий байрам бўляпти, дедим адашмайман, – дейди **халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгаши депутати, “GREET FINANS” МЧЖ бош директори Жамшид УЗОҚОВ**. – Депутатлик масъулияти катта экан. Ҳар куни фуқароларнинг муружаатлари билан ишлашимиз. Уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганамиз. Сайловчилар кўпроқ суд-хуқуқ, ҳокимият тизими, фуқаролик судлари, маблағ ажратиш, ер ажратиш, уй-жой масалаларида муурожаат қилишади. Яқинда бир фуқарога уй-жой олиши учун субсидия берилишига, товук боқиш учун кредит ажратилишига кўмаклашдик. Ёшлар ҳам доимий эътиборимизда. Айни пайтда шаҳримизга

ёшлар учун ёпиқ спорт комплекси керак. Бу уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун асқотади.

– Шаҳримизда бу каби тадбирлар тез-тез ўтказилади. “Беш ташаббус” доирасида уюшмаган ёшларни бирлаштириш, тўғарақларга жалб қилиш, касб-хунарга ўргатиш борасида олиб борилаётган ишларни мунтазам назорат қилиб борамиз, – дейди **халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Дилфуза АДИЛОВА**. – Менинг сайлов округимга кирувчи “Мустақиллик” маҳалласида 328 нафар ёш бўлиб, уларнинг 23 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган. Айни пайтда 12 нафар йиғит-қиз иш билан таъминланишига эришилди. 6 нафари тадбиркорликка жалб қилинди. Компьютер соҳасига қизиққанларнинг 4 нафарига компьютер техникаси олиб берилди. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизлар фаолигини ошириш мақсадида маҳаллалар бўйича алоҳида топшириқлар берилди. Энди кизларни ҳам дарслардан кейин фаоллар залларига, спорт тўғарақлари, компьютер курсларга бириктиришга эътибор қаратамиз.

Стадиондаги спорт томошаларини қизиқиш билан кузатиб ўтирган нурли онахон олдига борамиз.

– 85 ёшдаман. 40 йил ўқитувчилик қилдим. 10 йил тадбиркорлик билан шуғулландим. 5 гектар ерга бодиринг, помидор экамиз. Кейинги йилларда Оҳангарон шаҳридаги “Хонобод” масжидида бош отиний бўлиб ишладим, – дейди **Қўрғон** маҳалласида истиқомат қилувчи Мукаррам Абдужалилова. – 2 ўғил, 2 қиз, 14 набаира, 20 нафар чеварам бор. Оллоҳга шуқр қиламан. Ўтган йили давлатимиз ёрдами билан ҳаж сафарига бориш насиб қилди. Ҳозиргача эл-юрт орасиданман, ишлайман. Юртдошларим, юртим учун кучим етганча меҳнат қиламан. Менинг 4 эмас, миллион-миллион фарзандларим бор. Улар учун ҳамшахша дуодаман. Мана, пандемиядан кейин бу йил сайилларга чиқдик. Юртимизга, одамларга бундай балолар бошқа йўламасин. Уйимиз, маҳалламиз тинч бўлсин, шаҳримиз, юртимиз тинч бўлсин.

Гулрух ОДАШБОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

10 мингта ташкилот

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНМОҚДА



ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНДИ

Бошланғич ташкилот сиёсий партиянинг таянч бўғинидир. Бу бўғин Халқ демократик партиясида анча мустаҳкам. Мамлакатимизнинг барча хуудларидида партиянинг 10 мингга яқин бошланғич ташкилоти фаолият юритади.

Шу кунларда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда фаолият олиб борадиган, партия тарафдорларини бирлаштирадиган, фуқароларни сиёсий-ҳуқуқий фаолликка ундайдиган ташкилотларнинг йиллик фаолияти таҳлил этилмоқда.

Бошланғич ташкилотларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари Жиззах шаҳрида "Жиззахпластмасса" АЖ, 1-сон оилавий поликлиника ҳамда "Жиззахлик", "Нурлиобод" маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилди.

Йиғилишларда ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, йўл кўйилган камчиликлар, эътибордан четда қолган масалалар кўрсатиб ўтилди. Шу асосда қарорлар қабул қилинди.

У.Сиддиқов, Ш.Холбобоев, С.Соибназаров ва У.Гулбоев кўпчилик овоз билан бошланғич партия ташкилотларининг етакчилари этиб сайланди.

АЪЗОЛАР 6 БАРОБАР КЎПАЙГАН

Айтиш керакки, қуйи бўғинлар бирлашиб, мустаҳкам бирлик занжири ҳосил қилади.

Дилбар Шарипова етакчилик қилаётган Ўзбекистон ХДП Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида БПТ 11 йил олдин ташкил топган. Дастлаб 20 нафар аъзоси билан фаолият бошлаган бўлса, айни пайтда аъзолар сони 135 нафарни ташкил қилмоқда.

Партия вилоят кенгаши масъул ходимлари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, партия фаоллари ва аъзолари иштирок этган йиғилишда БПТнинг 2021 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди ва партия ғояларини амалга ошириш борасида қилинажак ишлар белгилаб олинди. БПТ етакчилигига Дилбар Шарипова қайта сайланди.

КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Кўприклардан фойдаланиш, қуриш" унитар корхонасидаги БПТда ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошланғич ташкилот етакчиси З.Қаюмова ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан маълумот берди. Эришилган ютуқлар, йўл кўйилган хато ва камчиликлар юзасидан фикр билдириб, келгусидаги режалар ҳақида тўхтади.

Қашқадарё вилоят партия кенгаши бўлими бошлиғи Ў.Қурбонов сиёсий партияларга берилаётган кенг имкониятлар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан мулоҳаза ва тақлифларини билдирди.

ЯНГИ АЪЗОЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасидаги БПТ ҳисобот-сайлов йиғилишида демократик исло-



ҳотлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ушбу жараёнларга фаол муносабатни шакллантириш ҳамда аҳоли вакиллари билан яқиндан мулоқот ўтказиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Бошланғич партия ташкилоти етакчиси Ш.Ибрагимов партиянинг ғоялари тарғиботи билан боғлиқ лойиҳаларни таҳлил қилди.

Сўзга чиққанлар сиёсий партиялар фаолияти учун мамлакатимизда зарур шароитлар яратиш берилаётганини таъкидлади.

Йиғилишда Ш.Ибрагимов туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти раиси этиб қайта сайланди. БПТ фаолиятини ривожлантириш, аъзоларни кўпайтириш бўйича маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Шу кун партия сафига 8 нафар янги аъзо қабул қилинди.

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧНИ ҚОЗОНИШ МУҲИМ

Ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш,

фуқароларда ушбу жараёнларга онгли, фаол муносабатни шакллантириш ҳамда аҳоли вакиллари билан яқиндан мулоқот ўтказиш мақсадида ЎзХДП ташкилотлари томонидан қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон ХДП Булунғур туман кенгаши томонидан туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу масалалар ҳақида сўз юритилди.

Унда партия аъзолари, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари ҳамда аҳоли вакиллари иштирок этди. Бошланғич партия ташкилоти раиси Р.Бобонова ташкилот томонидан партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини кенг тарғиб қилиш бўйича ўтказилган тадбир ва лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан сўзга чиққанлар сиёсий партиялар фаолияти учун мамлакатимизда барча зарур шароитлар яратилгани, сайловчилар ишончини қозониш учун фидойилик билан меҳнат қилиши, партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини рўёбга чиқаришга сафдошларимиз ўз ҳиссаларини қўйиши лозимлигини таъкидлашди.

Йиғилишда Р.Бобонова туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти раиси этиб қайта сайланди.

ФАОЛ ВА КУЧЛИ АЪЗОЛАР

Қизилтепа туманидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган йиғилишда ҳам қайси йўналишларда кўпроқ ишлаш кераклиги, камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳусусида фикр алмашилди.

Партия аъзолари йиғилишда берилган ҳисобот юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Фаолиятни янада такомиллаштириш учун нималарга эътибор қаратиш зарурлигига эътибор қаратилди. Хусусан, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган партия ғояларини амалга ошириш борасида келгуси режалар муҳокама этилди. БПТ аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича амалий машғулларни кўпайтириш ҳусусида тақлифлар билдирилди.

Йиғилиш сўнгига 10 нафар партияга аъзо бўлиш истагини билдирган хотин-қизлар ва ёшлар партия сафига қабул қилинди.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.



ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИАТ ВА РАФБАТЛАР

Ҳаётимизда жисмоний тарбия ва спортнинг тугган ўрни беқиёс. Чунки у инсоннинг руҳи ва жисмонан етук бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур талабларига мос шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, сўнгги уч йилда 118 та спорт мажмуаси, маҳаллаларда 7 мингта спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 3 500 та мини-футбол, 6 мингта баскетбол, волейбол, 663 та бадминтон майдони, мингдан ортик фитнес заллари мавжуд. Ҳар бир туман ва шаҳар марказларида "Саломатлик йўлаклари" ва велосипед йўллари ташкил этилди. Соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида юртдошларимиз Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда.

Кун кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилишда бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар ҳусусида батафсил тўхталиб ўтилди.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 18 февралдаги фармон ва қарорига биноан, Спортни ривожлантириш вазирлиги ташкил этилган эди. Унинг энг муҳим вазифаларидан бири эса болалар ва ёшлар ўртасида спортни

оммалаштиришдир. Видеоселекторда мазкур йўналишдаги режалар тақдирот қилинди.

Спортни ривожлантириш вазирлигига маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан бирга йил давомида 6 миллион нафар ўғил-қизларни оммавий спорт тадбирларига қамраб олиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун 10 апрелдан бошлаб, маҳалла, туман, вилоят ва республика босқичларидан иборат оммавий спорт тадбирлари ўтказилади. Уларни ташкил этиш учун "Ёшлар дафтари" жамғармасидан ҳар бир вилоятга 100 миллион сўмгача, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш учун 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Эндиликда, энг яхши натижа кўрсатган ёшлар туман ва шаҳар, вилоят ҳамда миллий терма жамоалар таркибига саралаб олинади.

Бундан ташқари, йиғилишда маҳаллаларда спорт инфратузилмасини яхшилаш, лойиҳалар қийматини мақбуллаштириб, майдончалар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Оммавий спорт тадбирларида ёшларнинг иштироки бўйича маҳаллалар рейтингини ишлаб чиқиш, "қоникарсиз" деб топилган жойларга таниқли мураббий ва спортчиларни бириктириб, спортни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ҳудудларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга, аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига хизмат қилади.

Ўрол ЎРОЗБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

ОЛИС МАНЗИЛЛАРДА ЛИДЕР ЁШЛАР БОР

Навоий вилояти Конимех туманидан 200 километр олисда жойлашган ҳудуд Қозоғистон билан чегарадош "Боймурод" овули. Бу ерда ҳам ёшларнинг эртанги кунга режалари ва истаклари бор. Овулдаги ишсиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-хунарга йўналтириш, бандлигини таъминлаш жуда муҳим. Шундан келиб чиқиб, тумандаги "Лидер" ёшлар марказимиз томонидан овулдаги 11-мактабда компьютер саводхонлиги, бизнес психологияси ва тадбиркорлик бўйича ўқув курслари ўтказилмоқда.

Мазкур манзилда вилоят адлия бошқармаси, вилоят "Тафаккур" ёшлар маркази, ЎзМУ талабалари, туман халқ таълими овул ёшлари, фаоллари ва мактаб битирувчилари иштирокида тадбир ҳам ташкил этилди. Унда йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, вужудга келиши мумкин бўлган оилавий муаммоларнинг олдини олиш мақсадида психологик тренинглар ўтказилди.

Тадбир давомида курс битирувчилари Конимех туман "Лидер" ёшлар марказининг махсус сертификатлари билан тақдирланди. "Ёш тадбиркор – юртва мададкор", "Бугунги эътибор – эртанги натижа", "Ижодкорлар мактаби" лойиҳалари доирасида ташкил этилаётган тренинглари қишлоқ жойлардаги ёшларга фойдали бўлганди, деб умид қиламиз.

Гулбону ҚУВАТОВА,
Конимех туман "Лидер" ёшлар маркази раҳбари.

6-aprel, chorshanba, 2022-yil.
№14 (32708)

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистон ХДП Қораўзақ туман кенгаши "Аёлларга қўмак" лойиҳасини ўтказди. Унда Ўзбекистон ХДП Қораўзақ туман кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Қораўзақ туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳияти тушунтирилди, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг таълим ва касбий кўникмалар олиши, бандлигини таъминлашга ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилганлиги бўйича фикрлар билдирилди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида хайрия тадбири ташкил этилди. Жумладан, "Есим" маҳалласида яшовчи Замира Утепбергенованинг хонадонига бўлиб, яшаш шароити ўрганилди.

– Имтиёзли кредит ҳисобидан тикув машинаси олиб, ўз ишимни йўлга қўйдим ва бундан жуда хурсандман, – дейди Замира Утепбергенова. – Рўзгорда қийинчиликлар кўп бўлган. Тикув цехини барпо этганимиздан сўнг ишимиз юришиб кетди. Ҳозирги кунда оиламга қўшимча даромад келяпти. Бугун қўллаб-қувватлашга инсон ҳар қандай шароитда ҳам имкон топа олишини, бунинг учун эса хоҳиш ва ҳаракат бўлиши кераклигини ўз тажрибам мисолида айтиб бердим.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирidir. Опа-сингилларимизнинг ижтимоий ҳимояси партияимиз электоратининг ҳам диққат-марказида турган масалалардан саналади.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят, Бандихон туман кенгашлари томонидан "Фаровон" маҳалласида жойлашган 39-оилавий поликлиникада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва "Соғлом авлод" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида аёллар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

Тадбир давомида соғлом турмуш тарзи тарғиб қилиниб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғлом овқатланишнинг соғлиқни сақлашдаги аҳамияти тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида волейбол мусобақаси ҳам ташкил этилди. Иштирокчиларга партия ташкилотининг эсдалик совгалари топширилди.

Тиббий кўриқдан ўтказилган 200 нафарга яқин хотин-қизга "Соғлом авлод" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси томонидан мутахассислар тавсиясига асосан дори-дармонлар бепул тарқатилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказиш мақсадида сайлов округидаги "Марказ-6" ҳудудида жойлашган ижтимоий соҳа муассасалари фаолияти билан танишди.

Хусусан, депутат 154-мактабгача таълим ташкилотига замонавий болалар ўйингоҳи қуриш, 17-сонли умумтаълим мактабига янги стадион қуриш, 43-умумтаълим мактабидидаги шарт-шароитлар бўйича муурожаатларни ўрганди. Нигора Эшметова сайловчилар томонидан кўтарилган муурожаатларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича вазифаларни белгилаб олди.

6-aprel, chorshanba. 2022-vil.
№14 (32708)



5 ОМИЛ

ХАВОТИР ЁКИ БЕЗОВТАЛИККА АСОС ЙЎҚ

Кейинги вақтларда бозорларда айрим маҳсулотлар нархларининг кўтарилиши аҳоли ўртасида ва турли доираларда муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Албатта, бу ҳолат фуқароларимизни, истеъмолчиларни бироз хавотирга солмоқда. Шу боисдан озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши билан боғлиқ омиллари таҳлил этиш мақсадида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори Нодирбек Расуловнинг фикрлари билан қизиқдик.

– Бозорларимиздаги нарх-наволарнинг кўтарилишига қандай омиллари ўз таъсирини ўтказмоқда?

– АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматининг кўтарилиши, қайта молиялаш ставкасининг оширилиши, логистика тизимидаги муаммолар, импорт товарлар савдосининг камайиши ҳамда аҳоли ўртасида нархларнинг кўтарилиши ва товарлар танқислиги бўйича асосий хавотир, ваҳима ёки миш-мишларнинг кўпайиши... Албатта, бу омиллари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан олиб келинаётган маҳсулотлар, товарлар ёки хизматларга қўйиладиган омиллари орқали бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши мумкин.

Биринчиси, долларнинг расмий курсидаги ўзгаришлар. Барчамизга маълумки, мамлакатимизга хориждан олиб келинаётган импорт товарлар ҳамда ош ашё учун тўлов асосан доллар орқали амалга оширилади. Шунинг учун доллар курсининг миллий валютага нисбатан кўтарилиши хориждан олиб келинган товарлар ҳамда хом ашёга боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ваколатли давлат органлари томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада Президентимиз жорий йилнинг 31 март куни ўтказган Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, жажон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятдан келиб чиқиб ҳудуд ва тармоқларни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, давлатимиз раҳбари валюта бозорини барқарорлаштириш борасида қўрилган чораларга тўхталган ҳолда валюта бозори ва айирбошлаш курси барқарорлашгани, биржада рубль ва юань бўйича савдолар амалга оширила бошланганига тўхталиб, **“Бу борада халқимизда ортиқча хавотир ёки безовталик бўлмастай керак. Валюта бозорида кескин тебранишларнинг олдини олиш учун захираларимиз етарли”**, деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Марказий банк қўшни давлатларда юз бераётган доллар курсидаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, вазмин валюта ва монетар сиёсатни олиб боришни давом эттирмоқда. Натижада Марказий банкнинг ҳудудлардаги бошқармалари раҳбарлари доимий равишда тадбиркорлар билан доимий учрашиб, уларга валюта бозоридаги вазиятни, экспорт-импорт ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва янги кредит механизмларини тушунтиришга ўз хиссаларини қўшишмоқда.

Иккинчиси, қайта молиялаш ставкасидаги ўзгаришлар.

Бунга 2022 йил 17 март куни Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасини 14 фоиздан 17 фоизга ошириш тўғрисидаги қарорини мисол келтириш мумкин. Барчага маълумки, қайта молиялаш ставкаси бу – мамлакатдаги пул-кредит сиёсатини юретишнинг асосий инструменти бўлиб, Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга оширадиган пул-кредит операциялари бўйича мўлжалланган меъёр фоиз ставкаси ҳисобланади. Мазкур ставкани ўзгартириш орқали Марказий банк иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш, миллий валюта қадрини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган пул-кредит муносабатларини амалга оширади. Амاليётда асосий ставканинг оширилиши инфляцияни секинлаштириш ёки қисман тўхтатиб туриш, банкларнинг тадбиркорлар ва фуқароларга бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг энг кам даражасини белгилаш ёки тижорат банкларига уларнинг қисқа муддатли ликвидлигини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган қайта молиялаштириш кредити қийматини аниқлаш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Шунинг учун қайта молиялаш ставкасининг оширилиши тижорат банклари томонидан бевосита берилган кредитларнинг фоиз даражасига таъсир кўрсатади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган ёки кўрсатилаётган хизматларнинг таннархи ошишига олиб келиши мумкин.

Учинчиси, логистика тизимидаги ўзгаришлар. Россия ва Украина ўртасида бўлаётган ҳарбий мождарлар жажонда энгеро ресурслар нархларининг кўтарилишига таъсир кўрсата бошлади. Шу билан бирга, Россияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар логистика тизимида кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бу асосан юкларни ташиш харажатларининг кескин оширилишига олиб келмоқда. Ўзбекистон учун логистика тизими жуда муҳим ва ўйлантирадиган долзарб масалалардан бири эканини таъкидлаш жоиз. Шу боис, Ўзбекистон логистика тизимини ривожлантиришга стратегик аҳамият бериб, миллий ва минтақавий даражаларда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон океанга тўғридан-тўғри чиқишига имкони йўқ давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон океанга чиқиш учун икки мамлакат ҳудудини босиб ўтишига тўғри келади. Мақбул бўлган йўл Афғонистон орқалидир. Шу маънода, яқин

қўшимиз билан ҳар томонлама халқаро алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида автобус йўналишлари, тезорар темир йўл алоқалари ишга туширилиши, Қирғизистон билан Марказий Осиёдан илк бор тўғридан-тўғри Хитой билан Ўзбекистонни боғлайдиган Қашқар-Иркештом-Ўш-Андижон-Тошкент автомобиль йўлаги бўйича қатнов йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Яна бир муҳим масала денгиз портларига чиқиш учун қулай транспорт коридорларини яратиш ҳисобланади. Бу борада Қозғистоннинг Ақту порт орқали Ўзбекистон компанияларининг Каспий денгизига чиқиши бўйича ҳаракатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шу орқали дунё билан савдо-сотик қилиш, миллий маҳсулотларни ҳамёнбоп, арзон ва қулай нархларда ишлаб чиқариб, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириб, иқтисодий тараққиёт сари ҳаракат қилишимиз мумкин.

Тўртинчиси, халқаро савдо ҳажмидаги ўзгаришлар. Бунга асосан импорт товарлар савдосининг камайиши мисол бўла олади. Санкциялар натижасида қўшни давлатлар, жумладан, Россиянинг айрим товарларни экспорт қилишдаги жорий этган чекловлари унинг товарларини импорт қилувчи мамлакатлар бозорида таҳлилликни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат ҳам маҳаллий бозорларда айрим турдаги товарларнинг нархлари кўтарилишига олиб келиши мумкин.

Бешинчиси, одамлар орасидаги миш-мишлар ёки нархларнинг кўтарилиши билан боғлиқ хавотирлар. Бу омил бугунги кунда нафақат бизнинг бозорларимизга хос бўлган хусусият, балки Россия ҳамда Европадаги айрим мамлакатларда ҳам охириги вақтларда тез-тез кузатишмоқда. Бунинг сабаби ОАВ, жумладан, ижтимоий тармоқларда нархларнинг ошиши билан боғлиқ маълумотларнинг кенг тарқалиши айрим турдаги товарларга бўлган талабнинг бирдангина ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Бунга жорий йилнинг 25 январь куни Марказий Осиёнинг 3 та давлатида кузатишган Блекаутни (вақтинча электр узлиш) мисол қилишимиз мумкин. Оқибатда масалан, 1500-2000 сўндан сотилаётган шамнинг нархи соатлар ичида 7000-8000 минг сўмгача чиқиб кетди. Яқинда бирданига шакарнинг нархи нафақат бозорларда, балки биржада ҳам кўтарилиб кетганлигини таъкидлашимиз мумкин. Бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун Монополияга қарши курашиш қўмитаси доимий равишда бозорлардаги нархларни жиддий назорат қилиш лозим бўлади. Чунки бизда бундай омил жуда муҳим ўрин туттади.

Бир сўз билан айтганда, дунёдаги бугунги мураккаб вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги бозорларда озиқ-овқат нархларининг барқарорлигини таъминлаш, товар ва хизматлар нархларининг асосий ошиб кетмаслигини назорат қилиш, шу билан бирга, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат бюджетидан амалга ошириладиган ортиқча харажатларни вақтинча чеклаш орқали вазиятдан чиқиб кетиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда озиқ-овқат бозорларидаги вазият барқарорлигича қолмоқда. Бироқ меҳнат муҳожирлари пул ўтказмалари ҳажмининг қисқариши сабаб мамлакатда инфляция даражаси ошиши ва умумий макроиқтисодий ҳолатда ҳам ушбу салбий факторлар таъсирини кузатиш мумкин. Келгуси ойларида эса озиқ-овқат нархлари ўсиши эҳтимоли мавжуд, бу эса мамлакатдаги кам даромадли аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабига бироз салбий таъсир кўрсатади. Лекин мамлакатимизда ҳукуратимиз томонидан барча зарурий чоралар қўрилмоқда. Демак, мамлакатимизда нарх-навоининг кескин кўтарилиши кузатилмади, дейиш учун асослар етарли.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

“Ўзбекистон овози”га МУРОЖААТ „БОЛАЛАРИМНИНГ ОЛДИДА ЮЗИМ ЁРУФ БЎЛДИ“

“Ўзбекистон овози” газетасининг 2020 йил, 23-декабрь 46-сонида “Собиқ ички ишлар ходими орадан 9 йил ўтиб айбсиз, деб топилди, лекин ишга қайта тикланмади...” сарлавхали мақола эълон қилинган эди. Унда шундай жумлалар бор.

“... Эндигина 33 ёшни қоралаган, ўзига қўйилган вазифани ҳалол бажариб, ишлаган жойида аҳоли ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, юқори раҳбарият назарига тушган, хизмат пиллапоярларидан муваффақиятли кўтарилиб келаётган Бомуротов Бобир Бомурот ўғли 2009 йил 29 апрелда Қашқадарё вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлигининг буйруғига асосан “Ички ишлар идораларида хизматни ўташ ҳақидаги муваққат Низомнинг 69-моддасига асосан, яъни ички ишлар идоралари ходими номига номуносиват хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун” ишдан бўшатилди”...

“... Бомуротов Бобир Бомурот ўғли деярли ўн йил мобайнида идорама-идора, ташкилотма-ташкилот югуриб, адолат излади, лекин ҳақиқат қарор топмади. Охири оқибат Косон туман прокуратураси томонидан 2018 йил 7 июлда мазкур иш бўйича фуқаро Э.Ражабовнинг шикоятини келтирилган кўрсатмалар, ушбу ўғрилик жинояти юзасидан вилоят ИИБ махсус инспекцияси ўтказган хизмат текширувида ҳам, шу билан бирга, туман прокуратураси томонидан ўтказилган терговга қадар текширув жараёнида ҳам ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли жиноят ишени кўзатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни, Бомуротов Бобир Бомурот ўғли айбсиз, лекин ишга тикланмади. Бомуротов Бобир Бомурот ўғлига нисбатан бўлган бу адолатсизлик Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрганилиб, қонуний қарорга келинади, деб ўйлаймиз”, деб мақола якунланади.

Ушбу мақола эълон қилингандан сўнг, Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан масалага масъул мутахассислар жалб қилиниб, ҳолис ўрганиш олиб борилиши натижасида ижобий хулосага келинганлиги маълум қилинди.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

100029, Toshkent shahri, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1-uy.

21683

2022-yil "17" 03

“Ўзбекистон овози”
ижтимоий-сиёсий газетасининг
бош муҳаррири
Т.Турахоновга

2022 йил 11 январининг
4-сонига хатга

“Ўзбекистон овози” газетасининг Қашқадарё вилояти Косон тумани Нартибалад қишлоғида яшовчи фуқаро Бомуротов Бобир Бомурот ўғлининг шикояти бўйича олиб борилган журналистик суриштирув асосида “Собиқ ички ишлар ходими орадан 9 йил ўтиб айбсиз, деб топилди, лекин ишга қайта тикланмади...” сарлавхали танқидий мақола чоп этилганлиги бўйича юборилган хатти ўрганиб чиқилиб, унинг ички ишлар органлари хизматида тиклаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинганлигини маълум қиланман.

Вазир

П.Р. Бобоқонов

П.Р. Бобоқонов

2022 йил 17 март куни йўлланган 2/683 рақамли жавоб хатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Пўлат Бобоқонов тахририятимизга бу ҳақда қўйиладиганларни билдирди.

“Ўзбекистон овози” газетасининг Қашқадарё вилояти, Косон тумани Нартибалад қишлоғида яшовчи фуқаро Бомуротов Бобир Бомурот ўғлининг шикояти бўйича олиб борилган журналистик суриштирув асосида “Собиқ ички ишлар ходими орадан 9 йил ўтиб айбсиз, деб топилди, лекин ишга қайта тикланмади...” сарлавхали танқидий мақола чоп этилганлиги бўйича юборилган хатти ўрганиб чиқилиб, уни ички ишлар органлари хизматида тиклаш юзасидан ижобий қарор қабул қилинганлигини маълум қиланман. Имзо, вазир П.Р.Бобоқонов.

Вазирнинг хатидан кейин муурожаатчи билан боғландик.

– Мақола чиққандан сўнг Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари менга нисбатан бўлган ноҳақликларни ўрганиб, айбсиз эканлигим тўғрисида маълумотга эга бўлишди – дейди Бобир Бомуротов. – Вазирнинг ишга қайта тиклаш бўйича буйруғи ҳам чиқди. Буни ўтган ойда Ички ишлар вазирлигига қақаришганда менга айтишди.

Шундан сўнг Қашқадарё вилоят ИИБ кадрлар бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ҳамид Рўзибоев қақариб, керакли ҳужжатларимни расмийлаштирди. 13 йилдан сўнг ишга қайта тикландим. Ўрни келганда айна ҳақиқатни айтмоқчи эдим. 80 ёшли онамни, аёлимни ва 3 нафар фарзандимни бирон нарсага муҳтож қилмаслик учун ўтган 13 йил давомида бир эркак қиладиган барча ишни, деҳқончилик, ҳайдовчилик ва тадбиркорлик каби ишларни қилдим. Ишга тикланганимни эшитган яқинларимнинг ҳурсандчилигини кўрсангиз эди. Айниқса, фарзандларимнинг қувончини сўз билан ифода эта олмайман. Катта фарзандим Шохруҳ Бомуротов Тошкент тиббиёт академиясида 2-курсда таҳсил олади. 10-синфда ўқийдиган иккинчи фарзандим Ботир “Энди мен ҳам ички ишлар ходими бўламан”, дейди. Болаларимнинг олдида юзим ёруф бўлди. Онамнинг дарди ариб, қадоқ қўллари дуога очилганида эса ҳажондан ўзимни тутиб тура олмадим. Бу куннинг келишини оиламиз ва яқинларимиз билан узоқ кутган эдик. Мен нима демоқчиман, қариндош-уруғ, дўст биродар ва маҳалла-қўй олдида юзим ёруф бўлганини, айбдор эмаслигимни, ноҳақликлар қурбони бўлганини ва касимга ҳеч қачон хиёнат қилмаганимни исботлай олдим. Бу 13 йиллик курашим фарзандларим ва мени таниган-билганларга қайсидир маънода ибрат бўлди, деб айтишим мумкин. Бугунги қонун устувор адолатли жамиятда ҳақиқат, барибир, ўз сўзини айтишининг яна бир қарра исботи бўлди.

Тоштемир МУРОД тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДА 1 АПРЕЛЬ ҲОЛАТИГА ҚўРА, Кундалик Эҳтиёж учун зарур бўлган қуйидаги маҳсулотлар бўйича захиралар мавжуд



Ўзбекистонда шакар бўйича **250 минг** тоннадан ортиқ.
(Йиллик истеъмол — 400 минг тонна);



Бугдой уни бўйича **1 млн. тоннага** яқин.
(Йиллик истеъмол — 2,5 млн. тонна);



Ўсимлик ёғи бўйича эса **70 минг тоннага** яқин.
(Йиллик истеъмол — 320 минг тонна);

Маълумотларга қўра, захиралар етарли, ҳеч қандай ажиотажага ўрин йўқ. Бундан ташқари, 500 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар керакли озиқ-овқат маҳсулотларининг импорти учун берилган.

6-aprel, chorshanba, 2022-yil.
№14 (32708)

“РАМАЗОН ОЙИДА БУТУН МУСУЛМОН ОЛАМИ, ЖУМЛАДАН, ЮРТИМИЗ РАМАЗОННИНГ ФАЙЗУ БАРАКАСИДАН БАХРА ОЛАДИ. БУ ОЙДА ЮРАКЛАР ЮМШАБ, ҒУБОРЛАРИ КЕТАДИ, ҒУЗАЛЛАШАДИ, ЖАННАТ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛИБ, ЖАҲАННАМ ЭШИКЛАРИ БЕРКИТИЛАДИ.



РАМАЗОН – МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОЙИ



Саидафзал САИДЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси:

– Айни дамларда Учинчи Ренессанс сари, миллий юксалиш сари интилаётган Янги Ўзбекистонда муборак Рамазон шукҳи кезмокда. Масжидларимизда Қуръони карим хатм қилинмокда. Қалбимиз қувват, руҳимиз сафо олиб, дилларимиз равшан бўлмокда. Бу ойда нафсимиз жилволаниб, тарбияланади, зехнимиз ўткирлашади, фикримиз тиниқлашади. Жаҳл ва ғабдан, ғийбат ва ҳасад, адоват ва нафрат каби салбий ишлардан маънавий оламимизни поклаш ва сақлаш учун рўза жуда қулай фурсатдир.

Рамазон рўзасининг фазилатлари бисёр. Улардан муҳими, руҳан покляниш, қалбан улғайишидир. Инсон маънавияти унинг ички оламини ифода этувчи тушунча. Одамнинг ички дунёси қалб поклиги, руҳ осойишталиги, дил мусалфоллиги, виждон уйғоқлиги каби улғу фазилатлар билан бутунлик касб этади. Инсон руҳиятини ўрганган мутахассислар эътирофича, руҳий бақувватлик ҳаётнинг турли машаққатларини енгиб ўтишда, ҳатто оғир касалликларга даво топишда юксак аҳамият касб этар экан. Руҳий баркамолликка эришишда Рамазон ойи беназир аҳамиятга эга.

Рўзанинг асосий шартлари маълум: саҳардан шомгача таом ейиш, ичимлик ичиш ва шаҳватдан тийилиш. Мазкур шартлар бажарилса, рўза тутилган бўлади. Уламолар рўза туттишда унинг фақат асосий шартлари билан қаноатланиб қолиши рўзадан кутилган мақсад-муддаони ҳосил қилмаслигини таъкидлаган ва бу маънога пайғамбаримиз Мухаммад алайҳис-саломнинг куйидаги мазмунидаги ҳадисларини далил қилиб келтирадилар: «Шундай рўзадорлар борки, уларнинг рўзадан оладиган наҳсибаси фақат очлик ва ташналиқдир». Рўза нафақат ейиш ва ичишдан, балки дил ва тилда содир бўладиган иллатлардан, хатти-ҳаракатларда гуноҳ ва маъсиятлардан тийилишидир. Дилозорлик, тилозорлик, ғийбат, иғво, ёлгон, тухмат, бўхтон, макр-ҳийла, фириб, кибр, ғазаб, ҳасад, фитна каби иллатлардан тийилиш рўза баркамоллигига олиб боради. Аксинча бўлса, ҳадиси шарифда таъкидланганидек, очлик ва ташналиқдан бошқа

натижа ҳосил бўлмайди.

Халқимизда «Тўқликка шўхлик», деган ибора бор. Бу бежиз эмас. Сабаби, ҳикмат олимлари кўплаб хатолар, янглишиш ва нуқсонлар, ҳатто гуноҳ ва маъсиятлар тўқлик пайтида содир бўлишини таъкидлаган. Очлик ва ташналиқ ожизлик, камтарлик, бандалик хусусиятларидандир. Инсон оч ва ташна ҳолида ўзининг Яратганга муҳтожлигини ҳис қила бошлайди. Очлик ва ташналикка тез-тез учрайдиган камбағал ва бечора ҳолларнинг ҳолатини қалбан сезади. Юрагида улғу нисбатан меҳр товлана бошлайди. Бу меҳр улғайиб, нафақат муҳтожларни, балки инсониятни, нафақат инсониятни, балки ҳайвонот, набот-ўсимликларни, жамодот-жонсиз жисмларни ҳам қамраб олади. Бу ҳолатда инсон қалбида ҳикмат булоғи қайнайдди. Ҳаётнинг асл моҳиятини англайдди. Қалби маънолар дунёсига, завқ ва шавқ оламига фарқ бўлади. Инсонни эзгуликка

бошлайдиган барча китобларнинг асосий қисми саҳар вақтида ёзилгани ҳам шундан.

Саҳар вақтида тана бедор, вужудга нон-чой кирмаган, руҳ осойишталиги таъминланган онлар айнан ижод маҳалидир. Бу кўплаб олимлар, зиёлилар, ёзувчи ва шоирлар томонидан эътироф этилган ҳақиқат. Муқаддас Қуръони каримнинг айнан Рамазонда, ҳам диллар эриб, вужуд покляниб, қалбар маърифатга ташна бўладиган онларда нозил қилиниши беҳиз эмас.

Рамазон – тарбия ойи. Айнан рўза инсон камолотига тўсиқ бўладиган турли иллатлардан қутулиш имконидир. Инсоннинг ўз ихтиёри ила юзага келган очлик ва ташналиқ тананинг руҳга қарам бўлган ғанимат маҳалидир. Руҳий устунликни ҳис қилган онларда маънавий баркамоллик ҳақида тафаккур қилишимиз осонлашади, илм-маърифатга бўлган эътиборимиз ошади, қалбларимиз ҳикмат ошиғига айланади. Буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғиноний нафақат фикр-ислом ҳуқуқи, балки дунё ҳуқуқшунослик ҳазинасининг нодир гавҳари бўлган – «Ал-Ҳидоя», яъни «Тўғри йўл» асарини 13 йил давомида муттасил рўза тутиб ёзганлари машҳурдир. «Ҳидоя» асари сўзларининг озлиги ва созлиги, яъни оз сўзлар орқали кўп маъноларни қамраб олгани билан асрлар давомида олим уламолар, фозилу фузалоларнинг назарида бўлган. Турли тилларга таржима қилинган. Нуфузли олий ўқув юр்தларида айни пайтда ҳам дарслик сифатида ўрганилади. Содда ифода этганда, «Ҳидоя» асари рўза ҳикматини ўзида намоён қилган ноёб асардир. Инсон қалби вужуд очлиги ва ташналиғида ҳикмат булоғи бўлиб-тошишининг ёрқин ифодасидир.

Рўзанинг инсон жисмига фойдаси илм-фан наомаяндалари томонидан асослаб берилган. 2016 йил япон олими Ёсинори Осуми (1945 йилда туғилган) Физиология ва медицина бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлди. Бу мукофот олимга унинг аутофагия механизми борасидаги тадқиқотлари ва кашфиёти учун

берилди. Аутофагия – грек тилидан олинган бўлиб, ўзини ўзи ейиш маъносини англатади. Инсон оч қолганда унинг организми зарарли тўқималардан озод бўлади. Шунинг учун япон олими: «Аутофагия организмнинг очликка, хужайралар эса стрессли вазиятларга мослашишнинг ажралмас қисмидир», дея таъкидлаган. Нобель мукофотида сазовор бўлган профессор ихтиёрий ва тизимли оч қолишнинг инсон саломатлигига фойдасини илмий тарзда исботлаб берди. Рўза айнан ихтиёрий ва тизимли оч қолишнинг ислом таълимотида улғу ибодат ҳисобланган шаклидир.

Америкалик ноанъанавий тиббиёт мутахассиси Пол Брегнинг очликнинг инсон жисмига фойдаси ҳақида тадқиқот олиб боришига сабаб бўлган воқеа япон кураш устасининг унга маслаҳати бўлган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Пол япон дзюдо устасидан маҳорат сирларини ўрганачи. Шунда устоз унга жандан олдин 24 соат оч қолиш, инсон организмиди кувватнинг уч баробар ортишига сабаб бўлишини уқтиради. Брег буни амалда синаб куриб, навбатдаги беллашувда ўзи яшаган штатнинг энг кучли кураш-

Рўзадан мақсад инсонни икки дунё саодатига етаклайдиган, инсонлар орасини ислоҳ этадиган, ҳаётга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайдиган, қалбларга ором, руҳий осойишталикни таъминлайдиган ростгўйлик, садоқат, вафодорлик, омонатдорлик, ҳалоллик каби фазилатларни камолга етказишдир.

чисини енгади. Шундан сўнг очликнинг инсон организмига фойдалари билан қизиқиб, машҳур «Очлик сеҳри» китобини ёзади.

Рамазон рўзасининг асл мазмуни, ҳикмати ва маъноси маънавий иллатлардан, маънавий касалликлардан қутулиш учун бебаҳо фурсат эканидир. Рамазон сўзининг мазмуни ҳам араб тилидан таржима қилинганда «қаттиқ иссиқ», «куйдирувчи иссиқ» маъноларини беради, бу ой инсоннинг гуноҳ ва нуқсонларни куйиб кетишини англатишини олимлар қайд этганлар. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳис-салом бу борада: «Ким ёлгон гапиришни ва унга амал қилишни қўйма-са, унинг таоми ва ичимлигини тарк қилмоғига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ», дея марҳамат қилдилар. Ҳадисдаги нозик нуқта шундаки, аслида Аллоҳ таоло беҳожат зотдир. Мотуридия ақидаси бўйича Аллоҳнинг ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ. Балки барча нарса унга муҳтождир. Рўзанинг маънавий жиҳати муҳимлигига сабаб Пайғамбар алайҳис-салом ёлғонни тарк қилишни Аллоҳнинг эҳтиёжи демоқда. Яъни, Аллоҳнинг ризоси, амри ёлғонни ва унга амал қилишни тарк қилишда

дир. Бундан Рамазон рўзасини туттишда турли маънавий иллатлардан, айниқса, ёлғончиликдан тийилиш нақадар муҳимлиги келиб чиқади.

Рўзадан мақсад ёлғончилик ва ундан келиб чиқадиган хиёнат, макр, ҳийла, иккиюзламачилик, мунофиқлик, каззоблик каби жамият барқарорлигига раҳна соладиган, инсонлар орасини бузадиган, савдо-сотикни, касбу қор, тижорат ва зироат маҳсулини ҳаромга айлантирадиган, ер юзида фасод ва бузғунчилик ёйилишига сабаб бўладиган иллатлардан холи бўлишидир.

Рўзадан мақсад инсонни икки дунё саодатига етаклайдиган, инсонлар орасини ислоҳ этадиган, ҳаётга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайдиган, қалбларга ором, руҳий осойишталикни таъминлайдиган ростгўйлик, садоқат, вафодорлик, омонатдорлик, ҳалоллик каби фазилатларни камолга етказишдир. Агар ёлғон ва унинг турли кўринишлари, ёлғондан келиб чиқадиган иллатлар тарк қилинмас экан, очлик ва ташналиқдан фойда йўқдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳадисларининг бирида: «Менга заиф, бечораларни топишга ёрдам беринглр. Сизларнинг ризқингиз ва ютуқларингиз асосан заиф ва бечораларга ёрдам беришингиз сабабиндан зиёда бўлади», – деб таъкидлаганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан (ро-зи-йаллоҳу анху) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (сол-лalloҳу алайҳи ва саллам): «Ким бир мусулмоннинг дунё қайғуларидан бир қайғусини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидида қайғуларидан бирини кетказади. Ким дунёда бир қийналган биродарининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Бир банд бир бандга ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам қўрсатади», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Рамазон саховат ва мурувват ойидир. Бу ойда амалга оширилган ҳар бир яхшилиқнинг ажру савоби орттириб берилади. Рамазон ҳақиқатан эзгуликлар, яхшилиқлар мавсумидир. Инсон бу ой кирганда нафсининг тубан хулқларидан, бахилликлардан ўзини юқори тутиб, олижаноблик либосини кийиши мақсадга мувофиқдир. Мўминнинг қалбига хурсандчилик олиб кириш бу ойга нақадар ярашимлик ишдир. Набий алайҳиссалом аслида ҳаммадан сахийроқ, мурувватлироқ эдилар, лекин айнан Рамазон кирганда Ул зотнинг сахийликлари жўшиб кетарди. «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг саховатлиси эдилар. Ул зотнинг саховатлари Рамазон ойида – ҳар кеча Жаброил алайҳис-салом Ул зотга Қуръонни таълим бериш учун хузурларига ташриф буюрадиган пайтларда – айниқса чўққисига чиқарди. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Расули соллalloҳу алайҳи ва саллам одам-

ларга яхшилик билан мурувват қўрсатишда шиддат билан эсаётган шомолдан-да учқурроқ эдилар» (Бухорий ва Муслим ривоятлари). Сахийликда Ул зоти шарифнинг сийратлари мана шундай тасвирланган эди. Бинобарин, ҳар бир мусулмон ҳам олийжаноблик ва саховатпешалиқда мана шундай бўлишга интилоғи лозим.

Рамазон – меҳр-мурувват ойи. Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб айтдилар: «Бандлар тонг оттирадиган бирон-бир кун йўқки, агар икки фаришта осмондан ерга тушмаса. Улардан бириси: Аллоҳим, инфоқгўй банданинг сарфлаган молига эваз бер-дейди. Иккинчиси эса: Аллоҳим, курумосқ банданинг молига офат юбор, дейди» (Муттафакун алайҳ).

Рамазон рўзаси бизга инсон фақат ўз фойдасини эмас, бошқаларнинг ҳам фойдасини кўзлаб яшаши кераклигидан сабоқ беради. Зеро, халқларнинг, инсонларнинг бир-бирларига ҳурмати, меҳр-муҳаббатти, кечиримлиги туфайли дунё тинч, осойишта бўлади.

Рамазон – инсон маънавий юксалишга эришиши учун йилда бир келадиган ғанимат фурсатдир. Ундаги маъно гавҳарлари қалбларимизни мунаввар этишига, хонадонларимизни зиёга тўлдиришига тилақдошимиз. Маънавий юксалиш юртимизнинг юксалишига ҳамоҳанг бўлиб, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор, халқимиз фаровонлиги бундан-да тараққий топгусидир.

КўП ҚАВАТЛИ УЙДА ЯШАШНИНГ ЎЗГАЧА ГАШТИ, ЎЗИГА ХОС МАДАНИЯТИ ҲАМ БОР. ХОНАДОНЛАР КўП, АММО УЙ БИТТА. ШУ УЙНИНГ ЁН-АТРОФНИ, ЕРТўЛА ВА ЙўЛАКЛАРИНИ ОЗОДА САҚЛАШ НЕЧАНЧИ ҚАВАТДА ЯШАШДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ҲАММА ХОНАДОНДАГИЛАРИНГ БУРЧИ.

Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш Бухоро вилоят ҳудудий инспекцияси инспекторлари ҳамда шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими мутахассислари томонидан Бухоро шаҳридаги кўп қаватли уйларга туташ ер участкаларининг санитария ва гигиена қоидаларига мувофиқлиги ўрганилди.

Мақсад кўп қаватли уйларни бошқариш соҳасида давлат назоратини ўрнатили, кўп квартиралар уйдан техник фойдаланиш қоидаларига, туташ ер участкасини сақлаш

бўйича талабларга, санитария ва гигиена қоидаларига риоя этиш маданиятини оширишдан иборатдир.

Бугунги кунда бошқарув компаниялари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан аҳоли яшаш жойларидаги ҳудудларни ободонлаштириш, озода сақлаш ва кўкаламзорлаштириш, кўп квартиралар уйларнинг ташқи фасад қисмларига эътибор қаратиш, ертўла қисмини санитария меъёрларига асосланган ҳолда сақлаш бўйича бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмокда.

Кўпгина касалликлар иқлим ўзгариши натижасида, яъни ҳавода намлиқнинг ошиши ёки иссиқлик даражасининг ҳаддан зиёд кўтарилиши оқибатида келиб чиқади. Бундай шароитда аҳолининг тозалликка риоя этиши юзасидан муҳим тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, бунда фуқароларнинг атроф-муҳитга эътиборини кучайтиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг фикрича, инсонлар йилнинг қайси фасли бўлмасин, ҳозирги иқлим шароитида ўз соғлиқларини сақлашнинг эҳтиёт чораларини кўриши зарур.

Кўп қаватли уйга туташ ер участкаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уй-жой мулкдорларига доимий кўкаламзорлаштириш учун фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади. Шунингдек, уй-жой мулкдорларининг зиммасига мазкур ер участкасининг санитария ҳолати ва ободонлаштирилиши учун жавобгарлик юклатилади. Ўтган йили Бухоро вилоятда 1229 та уй-жой фондининг техник хавфсизлик ҳолатини ўрганиш натижасида кўп қаватли уйлардаги 180 та балкон ўзбошимчалик

билан ўраб олингани, 317 та уйнинг ташқи томонида ноқонуний эшиклар очилгани, 56 та уйдаги хонадоннинг ички қисми конструкцияси ўзбошимчалик билан ўзгартирилгани бўйича мажбурий кўрсатмалар берилган.

Соҳага оид ҳуқуқбузарликлар бўйича берилган кўрсатмаларга асосан 1149 та ҳолат жойида бартараф этилишига эришилган, 122 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган. Ноқонуний бинолар буздирилиб, уларнинг ўрни ободонлаштирилган.

Мақсадимиз кўп қаватли уйларни тўғри ва озода сақлаш, бундай уйларда ҳамжиҳатликда яшаш бўйича турмуш маданиятини юксалтиришдан иборат.

Абдулазиз КАРАЕВ,
Бухоро вилоят кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш назорат қилиш ҳудудий инспекцияси бошлиғи.

КўП ҚАВАТЛИ УЙ – ҲАММАМИЗНИКИ

6-aprel, chorshanba, 2022-yil.
№14 (32708)

Амир Темури даврида Буюк Ипак йўли ўзининг юқори тараққиёт босқичига кўтарилган

Амир Темури салтанати ривожидида Буюк Ипак йўлининг алоҳида ўрни бўлгани каби ушбу йўлнинг тараққиётида Амир Темури ва теурийлар олиб борган сиёсат ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Амир Темури мўғуллар қолдирган харобалар ўрнида ўз давлатини барпо этар экан, албатта, аввалги замонларда ҳаёт қайнаган Буюк Ипак йўлини тиклаш ва ривожлантиришни асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Азалдан карвон йўлининг марказий нуқтаси бўлган қадимий Самарқандни ўзи қурган давлатнинг пойтахти сифатида танлаганида ҳам, аввало, савдо-сотиқни ривожлантириш, шаҳарнинг илгариги мавқеини тиклашни назарда тутганди.

Буюк Ипак йўлини ривожлантириш масаласи Амир Темурга осон бўлмаган. Унинг олдида мўғуллар даврида ўлик шаҳарларга айланган, Буюк Ипак йўлига ҳаёт баҳшида қилган шаҳарларни батамом қайта тиклаш вазифаси кўндаланг турган ва у бу ишларни бирин-кетин, режа асосида амалга ошира бошлаган.

Амир Темургача бўлган даврда феодаллар ўртасидаги ўзаро жанжаллар, Мовароуннахрга бўлиб турган босқинлар туфайли Олтин Ўрдадан Шарқ мамлакатларига олиб бориладиган карвон йўллари инқирозга учраганди. Бошбошдоқликлар ва турли сиёсий таназзуллар сабаб баъзи қароқчи ва зўравон гуруҳлар бу йўллари эгаллаб олган, қанчалаб карвонлар таланган, мулкидан айрилган ёки эгалари қатл этиларди. Амир Темур Эгей ва Ўрта денгиз соҳилларидан то Хитой чегараларигача, Дашти қипчоқдан Арабистон денгизигача бўлган, то Ўрта Ер денгизига қадар чўзилган орилиқдаги ўрта салтанат барпо этиб, у аввало Буюк Ипак йўлининг карвон сўқмоқларини босқинчилар ҳужумидан муҳофаза қилди.

Дунёга мустақамлиги ва ваҳшати, ўткинчикеткинчиларга ваҳима солиши, тажовузлири билан машҳур бўлган, шу пайтгача бирор номдор подшоҳ забт эта олмаган машҳур Такрит қалъаси Амир Темурнинг эътиборига тушади.

Бағдод шаҳри забт этилганда шаҳар аҳли ва мусофирлар Амир Темурга: "Бу яқинда бир қалъа турурким, ани Такрит дерлар, асру берк ер турур. Ва бир жамоат ўғрилар анда йиғилиб, мусулмонларнинг йўлларини боғлаб турурлар ва ҳеч киши андин саломат ўта олма. Ва доим Миср ва Шомдан келгон ва боргон карвонларга музоҳим бўлурлар ва неча йиллар турурким, алар ул ерни мақом қилиб турурлар ва ҳеч подшоҳ бориб ул қалъани олмайдур. Бу жиҳатдин қўб мусулмонлар ташвишда турурлар", деб арз қилиб келадилар.

Амир Темур: "Бизнинг ҳимматимиз ва мақсудимиз бу юрмоқдин бу турурким, бундоқ нималарни мусулмонларнинг бошидан кетарсак", деб айтади ва Такрит қалъасини забт этишга киришади.

Бағдод ва Ироқи Араб Амир Темур давлати таркибига ўтгандан кейин бу вилоятларни Амир Темур Оқ Кўюни ва Қора Кўюни туркманларнинг улуғларига бошқариш учун бераркан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган:

"Бу чоққача вилоят эйасиз эрди; ҳар кимнинг кўнгли не тилар эрди, қилур эрдилар. Эмди итоат аёғларини хизмат йўлига қўймак керак ва карвонларга зарар-заҳмат бермак керак, то худой бандалари йўлларда фароғат била бориб келгайлар. Бу тариқа била амал қилсангиз, наким хотирингиз тиласа, ўшандоқ бўлғуси турур. Йўқ эрса ҳар не кўрсангиз ўзунгиздан кўрунгуз турур".

Шунингдек, Буюк Ипак йўли мамлакат учун туғилиши мумкин бўлган хавфларни ҳам келтириб чиқариши мумкин эди. Чунки аксарият юришлар ҳам мана шу йўллар орқали ташкиллаштирилган. Бир сўз билан айтганда, Буюк Ипак йўли ўша даврнинг ҳаёт-мамонт масаласи бўлган.

Ана шу мақсадда Буюк Ипак йўлидаги хавфсизлик назорати кучайтирилган. Мамлакатга кириб келган ҳар бир сайёҳ, савдогар, дарвеш ва бошқа кишиларнинг мақсадлари аниқланган, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари назардан қочирилмаган. Узоқ мамлакатлардан карвон йўллари бўйлаб келган савдогарлар ўзлари билан фақат молларгина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳоли, турмуш тарзи, одатлари ва дини ҳақида янги-янги хабарлар келтирадидилар. Улар айна вақтда илм ва маданият тарқатувчилари, маълумот ташувчилар ҳам эдилар. Чунки савдогарлар жуғрофий тасаввурларни кенгайтириб, қўлёзма китоблар, қоғоз олиб келишар, сафари давомида кўрган-эшитган ривоят ва сар-

гузаштлари ҳақида хикоя қилиб берардилар.

Амир Темур томонидан Европа ва Осиё давлатлари подшоҳлари, қиролларига ёзилган хатларда айнан мамлакатлараро хавфсизлик, иқтисодий тенг ҳамкорлик мақсадлари баён этилган. Амир Темур давлат тараққиётида хусусий тадбиркор ва савдогарларнинг муҳим ўрнини тушуниб етган. Биз бемалол Амир Темур даврини ҳам "бозор муносабатлари ривожланган давр", деб аташимиз мумкин. Унда мулкчиликнинг ўрта асрларга хос турли шакллари юзага келган. Соҳибқирон халқаро ҳамкорлик масаласини кўтарар экан, минтақалараро тадбиркор савдогарларнинг ўзаро мулоқотга киришиши, бозорнинг талаб ва таклифларини ўрганиши, шунга монанд эркин савдо ва пул айланмаси юритилишининг тарафдори бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан ҳамкор қиролларга ёзилган хатларда хориждан келган ва чет элларга кетаётган тадбиркор-савдогарларнинг соғлиги, ҳаёти, мол-мул-

Амир Темурнинг бекатлари-ёмлари таъмирланган ва баъзи ерларда янгилари бунёд этилган. Йўлларда карвонларнинг дам олишини таъминловчи карвонсаройлар қурилган. Бу карвонларни маҳаллий ҳокимликлар томонидан қўйилган ҳарбий қўриқчилар ҳимоя қилиб, кишиларни ушбу қўшин тузилмаси бир манзилдан иккинчи манзилга етказиб қўйган ва ўз навбатида бошқа манзилдан келувчи кишиларни ўзлари ҳамроҳлигида белгиланган манзилгача олиб келиб қўйишган. Буюк Ипак йўлида ўз дипломатик миссиясини бажарган Руи Гонсалес де Клавихо ўзига ва Миср элчиларига кўрсатилган эътибор ҳақида алоҳида эслатиб ўтган. Масалан, Миср элчилари 20 та ҳарбий суворий қўриқчилигида Самарқандга йўл олган эди. Клавихо маълумотларига кўра, элчиларнинг от-уловлари ҳар кун янги-янги алмаштириб турилган, бир кунлик масофанинг сўнггида баъзан 100 та, баъзан 200 та янги отлар йўловчилар учун тайёрлаб турилган. Клавихо "Бундай отлар кимсасиз

жавобгарликни шу ҳудудларнинг ҳоким ва бошқа маъмурларига юкледи. Зарарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қондасининг жорий этилиши халқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлиб қолган.

Амир Темур салтанатида давлатларнинг туташ минтақаларида йирик божхоналар барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизи жойлашган ерда бўлган. "Дарбанд" божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган, Шаҳрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ўтказар эди.

Клавихо Амир Темур салтанати чегарасида иккита Темур дарвоза кириш ва чиқиш эшиги бўлганлигини эслатиб ўтган: "Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқанд салтанатига кириладиган бошқа йўл бўлмаганлиги сабабли, мазкур тоғ йўли Самарқанд салтанати учун муҳофазавий нуқта ҳисобланади. Мабодо, Самарқанд аҳолиси Ҳиндистонга борадиган бўлса, улар учун ҳам шу йўлдан бошқа йўл йўқ эди. Темурбек тасарруфида бўлган Темур дарвоза унга катта фойда келтиради, чунки Кичик Ҳиндистондан (Афғонистондан) Самарқандга ва аксинча, ундан бошқа мамлакатларга йўл олган савдогарлар фақат шу Темур дарвозадан ўтадилар".

Амир Темур салтанатидан бошқа юртга бораётган киши ҳатто шу атрофда яшасада, қаердан ва қаерга бораётганлиги қайд этилган ёрлик кўрсатмаса, нариги соҳилга ўтказилмайди. Самарқанд салтанатига эса, ҳеч қандай ҳужжатсиз бемалол ўтиш мумкин, деб маълумот беради Клавихо. Ҳатто Самарқанддан махсус ёрликча эга бўлган кишиларгина бошқа шаҳарларга бора олиши мумкин бўлган.

Ушбу маълумотлар Амир Темур салтанатида ўзига хос виза тизимига ўхшаш тизим ишлаб турганидан далолат беради.

Маълумотларга қараганда, айрим йиллари бу даромадлар ҳатто Амир Темур қўл остидаги барча мамлакатлардан келадиган ер солиғи миқдори билан тенглашарди. Буюк Ипак йўли орқали Амир Темур нафақат мудофаа, тинчлик-барқарорликни таъминлаган, яхши қўшничилик ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантирган, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган.

Демак, Буюк Ипак йўли транзит шаҳар ва давлатларнинг ўзаро маданий ҳамда илмий алоқалар ўрнатишида муҳим кўприк ролини бажарган.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори, профессор.

СОҲИБҚИРОН КАРВОН ЙЎЛЛАРИДА КИМДА-КИМ ЗАРАР КЎРСА, БУНДАЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ЖАВОБГАРЛИКНИ ШУ ҲУДУДЛАРНИНГ ҲОКИМ ВА БОШҚА МАЪМУРЛАРИГА ЮКЛАДИ. ЗАРАРНИ АМАЛДОРЛАР ҲИССАСИДАН УНДИРИШ ҚОИДАСИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ХАЛҚАРО САВДО ЙЎЛИДАГИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛГАН.



кининг дахлсизлигини таъминлаш алоҳида таъкидланган, улардан бож солиғи олмаслик масаласи кўтарилган. Амир Темур томонидан ҳамкорларига тинчлик-хотиржамлик, соғлиги, мол-мулкига кафолат берилиши ўша давр учун катта воқелик эди ва у бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

Хусусан, Амир Темур Франция қироли Шарль VI га йўллаган мактубида «Сизнинг савдогарлар биз томонга келсинлар ва биз уларни иззат-икром билан кутиб олайлик ва бизларнинг савдогарларимиз Сизлар томонга бориб ўз иззат-икромларини топсинлар.

Токи, ҳеч ким уларга зўрлик қилмасин ва ортиқча солиқ солмасин. Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар", — дея ҳамкорлик таклифларини киритганди.

Мироншоҳ Мирзонинг ҳам Европа қиролларига ёзган мактубларидан бирида куйидагилар таъкидланган: «Савдогарларга келсак, истардикки, Сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдогарлар сизларнинг юртларингизда хавф-хатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Ниҳоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир, барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор».

Амир Темур тадбиркорларнинг фаолиятини кафолатлаш мақсадида Буюк Ипак йўлининг иш фаолиятини маълум бир қонун-қоидалар, унинг ҳимоясини кафолатловчи янгиликлар асосида шакллантирган.

Биринчи навбатда Буюк

жойларда ҳам тайёрлаб қўйилган. Кимсасиз ерларда Амир Темур фармони билан махсус мусофирхоналар барпо этилган. Отларни боқи парваришловчи махсус анчо (отбоқарлар) гуруҳи мавжуд бўлган", дея эслатиб ўтган.

Соҳибқирон карвон йўлларида кимда-ким зарар кўрса, бундай ҳуқуқбузарликларга

"101" ОГОҲЛАНТИРАДИ

ҚУРИЛИШДА ҚАТТИҚ ИНТИЗОМ БЎЛСИН

Тошкент вилояти ҳудудларида Фавқулодда вазиятлар бўлимлари томонидан жойларда қурилиш ишлари олиб борилаётган, қайта реконструкция қилинаётган ва капитал таъмирланаётган объектларнинг хавфсизлик ҳолатига амал қилиниши борасида профилактик тадбирлар уюштирилмоқда.

Йил бошидан буён 26 та шундай тадбирларнинг 15 таси қурилиш ташкилотлари, 11 таси мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида ўтказилди. Учрашувлар давомида қурувчиларга объектда ёнғин юз берган вақтда ёки фавқулодда ҳолат содир бўлганда ҳаракат қилиш тартиби, унда биринчи навбатда бўлимнинг тезкор "101" ёки "1050" рақамига зудлик билан хабар бериш лозимлиги, фуқароларни хавфли ҳудуддан эвакуация қилиш, шахсий ва иш ҳужжатларини хавфсиз жойга олиб чиқиш, ёнғин кутқарув бўлинмалари келгунга қадар ёнғин тарқалишининг олдини олиш хусусида йўриқномалар берилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида қурувчиларни тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқмаслик, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуна ва жиҳозлардан фақат лойиҳа ва эксплуатацион-техник ҳужжатларда белгиланган мақсадларда



ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинган ҳолда фойдаланиш зарурлиги таъкидланмоқда. Қурилаётган бино ва иншоотлар ички ҳудудда ёнғинчи модда ва материалларни сақлашмаслик, вақтинчалик турар жойларда носоз электр печлари, қўлбола газ баллонлари, электр сим ва кабелларидан фойдаланмаслик борасида тушунчалар берилиб борилмоқда.

Шунингдек, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ержон АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент вилояти ФВБ
ОЁХТТЭБ инспектори.

Харидор бугун ўзига берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда.

6-aprel, chorshanba, 2022-yil.
№14 (32708)



ЧЕК УЧУН 500 МИНГ МУКОФОТ?..

Бугунги кунда тадбиркор (сотувчи) харидорга (истемолчи) виртуал кассадан чиқарилган фискал белгилли штрих кодли (QR-код) чек бермаслиги оқибатида солиқ идораларига шикоятлар кўпаймоқда. Натижада тадбиркор ва харидорлар ўртасида низолар келиб чиқмоқда. Аслида тадбиркор ҳақми ёки харидор?

Келинг, бу саволларга жавобни қидириб кўрсак. 2019 йил 6 сентябрда ПФ-5813-сонли "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Президент Фармони ҳамда Фармон ижросини таъминлаш мақсадида "Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрда 943-сонли қарори қабул қилинган эди.

Унга кўра, савдо (хизмат кўрсатиш) шохобчаларида аҳоли билан нақд пулда ва банк пластик карталари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимда узатиб бориш функциясига эга бўлган маълумотлар алмашинуви платформаси - виртуал кассаларни, онлайн назорат касса машиналари тизимини жорий этиш белгиланган.

Барча тадбиркорлик субъектларининг бу тизимга ўтишининг охириги мuddати эдиб 2022 йил 1 январь бегиланган эди.

Истисно тариқасида ҳар йили олис, этиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқлаб, ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига мазкур мuddат татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Онлайн назорат касса машина ёки виртуал касса тизимига ўтиш орқали солиқ тизимини янада такомиллаштириш,

айланиши юзага келади. Тадбиркорлик субъектлари ва Давлат солиқ хизматлари органлари ходимлари билан бевосита алоқалар камаяди.

БУ ТАДБИРКОРГА НИМА БЕРАДИ?

Тадбиркорлар онлайн назорат касса машина ёки виртуал касса тизимидан фойдаланишга ўтганда, улар кунлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар, нақд пуллари банк кассаларига инкассация хизмати орқали ўзлари белгиланган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, онлайн назорат касса машинани сотиб олиш ва жорий қилиш харажатларини солиқ ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари миқдоригача камайтириш имкониятини беради.

Давлат солиқ кўмитаси томонидан виртуал кассанинг базавий қисми бепул тақдим этилиши имконияти белгиланди.

ХАРИДОР НИМАДАН МАНФААТДОР?

2019 йил 6 сентябрдаги Президент Фармонида харидорлар томонидан чеклардаги QR-код ёки фискал белгиларини мобил илова ёки Давлат солиқ кўмитасининг расмий сайти орқали рўйхатга олиш тизимини жорий қилиш ва шу орқали ютуқли ўйинларни ташкил этиш белгиланган эди.

Ўтган давр мобайнида ютуқли ўйинлар ташкил этилди ва бугун бу амалиёт

иктисодиётда ҳуфёна айланма-ни қисқартириш, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишининг олди олишга хизмат қилади. Натижада нақд ва пластик карта пуллари банк орқали қонуний

бевосита фуқаронинг харид қилган товар пул маблағининг 1% миқдоридан "кешбек" сифатида бюджетдан қопланган ҳолда ўзига қайтариб бериш имконияти йўлга қўйилди.

Бевосита QR-код ёки фискал белгилли чек бермаган тадбиркорлар устидан солиқ идорасининг мобил илова ва сайтининг шикоятлар бўлими орқали муурожаатлар кўпайди.

Солиқ кўмитасининг расмий маълумотига қарайдиган бўлса, солиқ мобил иловаси орқали 2022 йил бошидан шу кунгача 7 миң нафардан ортиқ фуқародан шикоят келиб тушган. Шундан 5 миңга шикоят ўз тасдиғини топган.

Харидорлар томонидан юборилган шикоят асослиги тасдиқланса, тадбиркорга Солиқ кодексининг 221-моддаси қўлланилиб, назорат-касса техникасининг ва ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилиши мажбурий бўлгани ҳолда, уларни қўлламасдан савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш, чек бермаслик беш миллион сўм миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Қўлланилган жариманинг 20 фоиз миқдори шикоятчига берилиши назарда тутилган.

Агарда тадбиркорлик субъекти белгиланган жаримани 10 иш кунидан тўласа, беш миллион сўмлик жарима 2 баробарга камайтирилиб, икки ярим миллион сўм бўлади. Ўз навбатида, шикоятчига бериладиган мукофот пули беш юз миң сўмни ташкил этади.

Демак, харидор бугун ўзига берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқда. Тадбиркорлар ҳам ўз фаолиятини тўғри, тартибли йўлга қўйса, саволлар келиб чиқмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар халқимиз ҳаёт тарзи энгиллаштириш, турмуш сифати юксалишига хизмат қилади.

Фахриддин ЮЛДАШЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
масъул ходими.

ҲАМКОРЛАРИМИЗ

"Тошкент сув таъминоти" МЧЖ: ҲАР БИР ХОНАДОНГА ИЧИМЛИК СУВИ ЕТИБ БОРМОҚДА

Сувдан оқилона фойдаланиш, сув истеъмолини ҳисобга олишнинг замонавий инновацион тизимларини жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Тошкент вилояти "Сувоқава" давлат унитар корхоналари бу борада белгиланган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида "Сув таъминоти" масъулияти чекланган жамиятлари сифатида қайта тузилиб, "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ шаклида Тошкент вилояти аҳолисига ичимлик суви етказиб бериш ва оқова сув хизматларини кўрсата бошлади.

Бугунги кунда вилоятдаги 3 миллион нафардан ортиқ аҳолининг 68 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган, 27,6 фоизи алтернатив ичимлик суви манбаларидан фойдаланади. 4,4 фоиз аҳолига эса ичимлик суви махсус транспорт воситалари орқали етказиб берилмоқда.

Жорий йил бошида "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ томонидан 342 230 нафар истеъмолчига ичимлик ва оқава сув хизматлари кўрсатилган бўлса, 12 ой ичида ичимлик ва оқава сув хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчилар сони 10235 нафарга ошиб, 352465 нафарга етказилган. Шунингдек, вилоятда 9 та оқова сув тозалаш ва 19 та оқова насос станцияси мавжуд бўлиб, иншоотларнинг оқова сув қабул қилиш ва тозалаш қуввати 437,0 миң м³/сутка, оқова сув қувурлари узунлиги 1 159 км.ни ташкил этади.

Жорий йил якунига қадар Инвестиция дастури ижросини таъминлаш мақсадида умумий қиймати 66,6 миллиард сўм бўлган жами 158,6 км. тармоқда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлиб, натижада 3 миллион 42 миң нафар аҳолининг 11 миң 300 нафари марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори ижроси доирасида лойиҳага асосан 44 та маҳаллада жами 336,5 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда 325,8 км. тармоқ тортиш ишлари 96,8 фоиз бажарилди.

Ушбу қурилиш-монтаж ишлари натижасида мазкур маҳаллардаги 28 миң нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланишига ва 103 миң нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланishiга эришилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, жорий йилда "Тошкент сув таъминоти" МЧЖ ўз маблағлари ҳисобидан қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, 2021-2022 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсадида 9,570 миллион сўм ўз маблағлари ҳисобидан 3,6 км. янги ичимлик суви тармоқлари қурилди, 152,4 км. ичимлик суви тармоқлари жорий ва капитал таъмирланди, 157 дона насос қурилмалари жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, жамият томонидан режалаштирилган қурилиш ишлари 100 фоизга бажарилди.

Жамият вилоят аҳолисига ичимлик суви ва оқова сув хизматларини сифатли кўрсатиш билан бирга, келгусида ўз олдига қўйган бир қатор муҳим вазифаларни ҳам амалга оширишни режалаштирган.

Акмал ҚОДИРОВ,
"Тошкент сув таъминоти" МЧЖ
ахборот хизмати раҳбари.

ДИҚҚАТ!



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси миллий ва халқаро журналистиканинг ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янги чар ёндашувларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий журналистика ривожига ҳисса қўшиш мақсадида Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган "Олтин қалам - XVI" Миллий мукофоти учун халқаро танловини эълон қилади.

«ОЛТИН ҚАЛАМ-ХVI»

ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ!

Танлов – телевидение, радио, босма нашрлар, интернет-журналистика ва чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали бўйича беш йўналишда ўтказилади.

Танловда (2021 йилнинг 31 мартдан 2022 йилнинг 1 апрелигача) босма ва интернет нашрларда эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган материаллар кўриб чиқилади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар сони 5 тадан кам бўлмаслиги шарт. Материаллар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, шу йилнинг 15 апрелигача қабул қилинади. Ижодий ишларнинг электрон версияси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг jurnalistlar.uz сайтидаги "Олтин қалам-ХVI" саҳифасига жойлаштирилади.

Асосий мукофотлар

1 та Бош миллий мукофот!

Телевидение бўйича

Энг яхши журналистик мате-

риал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Радио бўйича

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Босма нашрлар бўйича

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Интернет нашрлар бўйича

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин ТВ, радио, босма ва интернет нашрлар йўналиши бўйича.

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар.

- Инсон қадрини улуғлашга бағишланган энг яхши материаллари учун;
- Оила ва маҳалла мавзуси энг яхши ёритилган материаллари учун;

- Ўзбекистон тарихи ёритилган энг яхши материаллари учун;

- Энг яхши ахборот хизмати;

- Энг яхши фоторепортаж.

Босма ва интернет материаллари асл ёки кўчирма нусхада (босма ёки интернет нашрда чоп этилгани ҳамда қоғозда қисқача мазмуни баёни) ва уларнинг электрон версияси тақдим этилиши лозим.

Видео материаллар 3 дақиқадан 30 дақиқাগача бўлиши ва флеш карта (ташқи хотира қурилмаси) имкон қадар рангли форматда, аннотацияси (қоғозда қисқача мазмуни баёни) билан бирга тақдим этилиши керак.

Аудио материаллар эса 5 дақиқадан 30 дақиқাগача бўлиши ва аудио материаллар флеш карта (ташқи хотира қурилмаси) да, аннотацияси (қоғозда қисқача мазмуни баёни) билан бирга тақдим этилиши лозим.

Материалларга қуйидаги маълумотлар илова қилиниши шарт. Муаллифнинг исми-шарифи,

паспорт нусхаси, иш фаолияти ҳақида қисқача маълумот (объективка), манзили ва алоқа учун телефон рақами.

Тахририятлар учун эса Бош муҳаррирнинг исми-шарифи, тахририят манзили ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Танловга тақдим этилган материаллар қайтарилмайди.

Тантанали тақдирлаш маросими 2022 йил 3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги кунини ўтказилади.

Ижодий ишлар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават 5- ва 8- хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Муурожаат учун телефонлар: 71 -244-64-62, 71-244-37-87, 71- 244-64-61,

Telegram рақам: 99-592-05-48

DUNYODAN XABARLAR

Партиямиз фидойиси эди.

6-aprel, chorshanba, 2022-yil. №14 (32708)



САЙЛОВЛАР

2022 йил 3 апрель кuni Венгрия Миллий Ассамблеясига сайловлар бўлиб ўтди. Сайловда катта фарқ билан Фидесз - Венгрия Фуқаролик Альянси, Венгриядаги ўнг қанот популистик ва миллий консерватив сиёсий партияси ғалаба қозонди. Партия етакчиси Виктор Орбан "бу жуда катта ғалаба ва бундан сиз ойдан ҳам, Брюсселдан ҳам кўришингиз мумкин", деб таъкидлади. Маълумот учун: Орбан қаторасига 4-бор сайловларда зафар кучмоқда.

золарини сайлаш учун умумий сайловлар бўлиб ўтди. Парламент сайловлари дастлаб 2024 йилда ўтказилиши режалаштирилган эди, аммо 2020 йил октябрь ойида президент Александр Вучич муддатидан олдин парламент сайловлари 2022 йил апрелида ёки ундан олдинроқ ўтказилишини айтди. Умумий сайловлардан ташқари, 12 муниципалитет ва 2 шаҳар, жумладан, Белградда бир вақтнинг ўзида маҳаллий сайловлар ўтказилди.

Сайловлар якуни Сербия Прогрессив партияси етакчиси Александр Вучич қарийб 60 фоиз овоз билан ғалаба қозонганини кўрсатди. Александр Вучич амалдаги Президент ҳисобланарди. Асосий рақобатчиси Сербия Социалистик, Коммунистик, Сербия Яшиллари ва Бирлашган Сербия партиялари иттифоқи етакчиси Ивица Дачич эса 10 фоиздан кўпроқ овоз билан иккинчи ўринда қолиб кетди.



ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ИМРОН ХОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРДИ, деб маълум қилди давлат ахборот ва телерадиоэшиттиришлар вазири Фаррух Ҳабиб.

"Бош вазир Конституциянинг 224-моддасига биноан, ўз вазифасини бажаришда давом этади. Вазирлар Маҳкамаси тарқатилди", - деб ёзди у Твиттер орқали. Гео телеканалнинг хабар беришича, Покистон президенти Ариф Алви Бош вазир Имрон Хон тақлифига биноан мамлакат парламентини тарқатиб юборган. Энди мамлакатда янги парламент сайлови 90 кундан кейин бўлади. Мухолифат партиялар Хон ҳукуматини инфляцияни назорат қила олмаётганликда айблаётган бўлса, Имрон Хон муҳолифатчилар етакчиларини уни вазифасидан кетказишга уринаётганликда айбламोқда.

КЎРФАЗДАГИ ВАЗИЯТ



Оқ уй Форс кўрфазидagi иттифоқчиларидан айрилмоқда ва бу жараён кучайиши мумкин.

Араб дунёсида қутилмаган воқеа содир бўлди. Бу Сурия Президенти Башар ал-Ассаднинг БААга ташрифи. Амириқда унинг илиқ кутиб олиниши Вашингтонга маъқул бўлмади, чунки бу Сурия ҳукуматини тан олиш жараёнини ифодалаши мумкин. Бундан ташқари, Саудия Арабистони ва БАА томонидан АҚШ шартларига бўйсунмаслик кўзга ташланмоқда. Яъни, АҚШ президенти Жо Байденнинг нефть нархларини пасайтириш ва қўшимча таъминотни таъминлаш мақсадида нефть казиб олишни кўпайтириш ҳақидаги чарикларини икки араб лидери рад этиши энг эътиборли воқеалардан бўлди. Чунки бу икки араб давлати энг йирик нефть ишлаб чиқарувчи давлатлардан ҳисобланади.

гемонлигига қарши туришини кўряпмиз. Украина билан бошланган зиддиятдан сўнг, АҚШ ва Ғарб давлатлари Кремлга қарата санкциялар оқими йўллашди. Ҳозир санкциялар Россия иқтисодига катта талофат етказмоқда. Ана шу талофатлар фондида Кремль расмийлари ҳам рублнинг қадрсизланишини тўхтатиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу чора-тадбирлар орасида Ғарбга "оғир" зарба бўлди, деб эътироф этилаётган Россия Президентининг фармони ҳаммани хайрон қолдирди.

Владимир Путин дўст бўлмаган давлатлар билан газ савдоси қоидалари тўғрисидаги фармонни имзолаганини маълум қилди. Фармонга кўра, бу каби давлатлар Россия банкларида рублда ҳисоб очини керак. Янги қоидалар 1 апрелдан кучга кириши маълум қилинди. Дўст бўлмаган мамлакатлардан келган харидорлар янги тўлов шартларини бажармаса, газ етказиб бериш шартномалари тўхтатилади.

Россия томонининг таъкидлашича, эндиликда Европа Иттифоқи ва АҚШга маҳаллий товарларни доллар ва еврода етказиб беришдан маъно йўқ.

Аҳмад ҚУРБОНОВ, интернет материаллари асосида тайёрлади.

САМИМИЙ ИНСОННИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши кўп йиллар партиямиз тизимида самарали хизмат қилган, жонкуяр ва фидойий инсон Абдували Абдусаматовнинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Абдували Абдусаматов 1947 йил 10 майда Ленинобод вилояти, Хўжанд туманида туғилди. 1970 йили Москва давлат университетини, 1985 йили Тошкент олий партия мактабини тугатиб, меҳнат фаолиятини Ленинобод шаҳридаги «Алмас» заводида муҳандис-технолог сифатида бошлади. 1977 йилдан сиёсий фаолиятга кириб келди, 1977-1987 йиллар мобайнида Ленинобод шаҳар партия кўмитаси йўриқчиси, ташкилий ишлар бўлими мудири вазифаларида ишлади. 1987-1990 йилларда Тошкент олий



партия мактаби катта ўқитувчиси сифатида ёшларнинг билим ва ҳаётий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. 1992-2015 йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида масъул вазифаларда ишлаб, ташқи ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш, партиямиз тизимида ахборот билан ишлаш натижадорлигини ошириш, халқаро алоқаларни шакллантириш жараёнларида самарали

фаолият юритди. Абдували Абдусаматов қарийб 52 йиллик фаолияти давомида сиёсий билимдонлиги, етакчилик қобилияти, инсоний ғазилатлари билан ҳурмат қозонган, олижаноб, вазмин, ватанпарвар инсон эди.

Абдували Абдусаматов партиямиз фидойиси, фахрийси сифатида ҳамиша партия аъзолари, электорати дарду ташвишлари билан яшади. Айниқса, эҳтиёжманд оилалар, нурунийлар, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилди. Камтарин ва самимий инсон Абдували Абдусаматовнинг ёрқин хотираси партиядошлар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

- Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
- Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
- Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
- Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
- Нукус шаҳри, Ерناзар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
- Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
- Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
- Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
- Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
- Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
- Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
- Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
- Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 441. 2210 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 22:10.

Topshirilgan vaqti — 23:50.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda



MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 6 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:

Tahrir hay'ati:

- Ulug'bek INOYATOV
- Ulug'bek VAYFOYEV
- Maqsuda VORISOVA
- Qalandar ABDURAHMONOV
- Guliston ANNAQILICHEVA
- Muslihiiddin MUHIDDINOV
- Hayotxon ORTIQBOYEVA
- Shuhrat ISLOMOV
- Toshtemir XUDOYQULOV



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI